

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОЙ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

370 **Ногиронлар ва пенсионерларни санатория-курорт
йўлланмалари билан бепул таъминлаш тартиби
тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар ва қўшимча кири-
тиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил
21 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1489-1*

(2010 йил 31 октябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 30 декабрдаги ПҚ-1251-сон (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 562-модда) ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ташкилий тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2009 йил 30 декабрдаги ПҚ-1252-сон қарорларига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 563-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлиги **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлигининг 2005 йил 24 майдаги 99 ва 44-сон, Ногиронлар ва пенсионерларни санатория-курорт йўлланмалари билан бепул таъминлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (рўйхат рақами 1489, 2005 йил 6 июл) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 27-сон, 196-модда) иловага* мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири**

А. ХАЙТОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 23 сентябрь,
169-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

370-371-моддалар

Молия вазири

Тошкент ш.,
2010 йил 23 сентябрь,
79-сон

— 62 —

42-43 (438-439)-сон

Р. АЗИМОВ